

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

ЭШОНХОНОВ КАМОЛХОН МАМАТХОНОВИЧ

**БАНД СОЛИНГАН МУЛКНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА
ТАСАРРУФ ЭТИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА
КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Жиноят-ижроия ҳуқуқи;
12.00.15 – Криминология (юримдик фанлар)

**Юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2024-йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Table of contents of the author abstract of the dissertation of Doctor
of Philosophy (PhD)

Эшонхонов Камолхон Маматхонович

Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этишнинг жиноий-хуқуқий ва криминологик жиҳатлари..... 3

Эшонхонов Камолхон Маматхонович

Уголовно-правовые и криминологические аспекты незаконного распоряжения имуществом, подвергнутым аресту 25

Eshonxonov Kamolxon Mamatxonovich

Criminal legal and criminological aspects of illegal disposal of seized property..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

ЭШОНХОНОВ КАМОЛХОН МАМАТХОНОВИЧ

**БАНД СОЛИНГАН МУЛКНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА
ТАСАРРУФ ЭТИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА
КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Жиноят-ижроия ҳуқуқи;
12.00.15 – Криминология (юримик фанлар)

**Юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2024- йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Yu1180-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Довудова Дилзода Сулаймановна
юридик фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Абзалова Хуршида Мирзиятовна
юридик фанлар доктори, профессор

Қаландаров Мақсуд Махмудович
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли бир марталик Илмий Кенгашнинг 2024 йил 24 декабрь куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: (998) 71-202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№51-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: (998) 71-202-04-96).

Диссертация автореферати 2024 йил 12 декабрь куни тарқатилди.
(2024 йил 12 декабрдаги 17-рақамли реестр баённомаси).

Б.Х.Пулатов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар
доктори, профессор

М.Р.Анорбоев

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий Кенгаш илмий котиби, ю.ф.ф.д
(PhD)

Ф.Х.Рахимов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий Кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси, юридик фанлар доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноятлар туфайли етказилган зарарни қоплаш, жиноий йўл билан топилган мол-мулкларни олиб қўйиш, ашёвий далил деб эътироф этилган мол-мулкни ўзлаштиришнинг, сарф қилиб юборишнинг, яширишнинг, йўқ қилиб ташлашнинг ёки шикастлантиришнинг олдини олиш мақсадида ушбу мол-мулкни хатлаш масаласига эътибор ҳам кучайиб бормоқда. БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси таъкидлашича мол-мулкни хатлаш уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, уларнинг расмий иқтисодийга киришишини олдини олишда муҳим аҳамиятга эга¹. Жаҳонда ҳар йили жиноятлар туфайли жуда катта иқтисодий зарар келтирилади. Масалан, фақат коррупциявий жиноятлар бўйича дунё иқтисодийи бир йилда 2,6 трлн АҚШ доллари миқдорида зарар кўрмоқда². Шу сабабдан ҳам, дунёда хатланган мол-мулкни қонунга хилоф тасарруф этиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда жиноятлардан кўрилган зарарларни ҳисоблаш, етказилган зарарнинг ўрнини қоплашда жиноий йўл билан қўлга киритилган мол-мулкни хатлаш, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш, судларнинг қарорлари ижросини таъминлаш, тергов органлари ва судлар томонидан хатланган мол-мулкни қонунга хилоф тасарруф этилишини олдини олишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки, хатланган ёки гаровга қўйилган мол-мулкни қонунга хилоф тасарруф қилиш нафақат одил судлов манфаатларига дахл қилади, балки жабрланувчилар ҳуқуқларини тиклаш, жамиятдаги иқтисодий муносабатлар тизимига салбий таъсир кўрсатади.

Республикамизда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини таъминлаш, ҳукмнинг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш, иқтисодий, маъмурий суд ишларини юритишда даъвони таъминлаш, кредит муносабатларида гаровга қўйилган мулкларни сақлашни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашни суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мезонига айлантириш³ билан қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, ушбу соҳани тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

¹ <https://www.unodc.org/e4j/en/organized-crime>

² <https://news.un.org/ru/story/2018/12/1344641>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони // <https://lex.uz/pdfs/6600413>

(2017), “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2023) фармон ва қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф қилиш жинояти учун жавобгарлик масаласини республикамизда М.Х.Рустамбаев, Р.Кабулов, Р.А.Зуфаров, З.Х.Гулямов, Қ.Р.Абдурасулова, С.С.Ниёзова, А.А.Отажонов, Н.С.Салаев, М.Қ.Ўразалиев, Ш.Ё.Абдуқодиров, У.М.Мирзаев, Х.Р.Очилов, Д.С.Довудова, Р.З.Алтиев, М.Р.Анорбоев ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Банд солинган мулкка нисбатан қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатлар содир этиш, мулкни талон-торож қилиш, унга шикаст етказиш ёки нобуд қилиш жиноятлари С.В.Векленко, Д.Ю.Виноградов, А.А.Гульй, И.В.Дворянсков, А.В.Качмазова, А.А.Кирьянов, А.Ф.Павленко, Т.А.Плаксина, Д.Ю.Скрипников, А.О.Швейгер, В.Б.Боровиков, М.В.Бавсун, Р.Р.Галиакбаров ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Мол-мулкни хатлаш, мусодара қилишнинг айрим масалаларига Greenberg T., Samuel L., Grant W., Gray L., Brun J.P., Stevenson K., Scott K., Robert Golobinek, M. Michelle Gallant, Nicholas Kaye кабиларнинг илмий ишларида эътибор берилган⁴.

Аммо республикамизда банд солинган мулкни қонунга хилоф тасарруф этиш масалалари комплекс тадқиқ қилинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган бўлиб, “Қонун устуворлигини таъминлаш ва одил судловни амалга ошириш муаммолари” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф қилиш жиноятини комплекс тадқиқ қилиш, мазкур жиноятнинг объектив ва субъектив белгиларининг мазмуни ва моҳиятини тушунишга нисбатан тўғри ёндашувни ишлаб чиқиш, унга доир норматив-ҳуқуқий

⁴ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

базани такомиллаштириш, амалиётни яхшилаш, ушбу жиноятни олдини олиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш жинояти тушунчаси ва моҳияти, унинг учун жиноий жавобгарлик белгиланган қонун нормаларининг ривожланиш тарихини таҳлил қилиш;

айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунларининг банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф қилиш жинояти учун жавобгарлик белгиланган нормаларини ўрганиш;

банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф қилишнинг объектив ва субъектив белгиларини ёритиш;

банд солинган мулкни қонунга хилоф тасарруф этиш жиноятини квалификация қилишга доир муаммоларни таҳлил қилиш ва уларнинг ечимига оид таклифлар ишлаб чиқиш;

мазкур жиноят учун жазо тайинлаш амалиётини таҳлил қилиш;

ушбу жиноятнинг сабабларини, уни содир қилган шахсларнинг криминалогик тавсифини аниқлаш;

банд солинган мулкни қонунга хилоф тасарруф қилиш жиноятини олдини олиш чораларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти банд солинган мулкни қонунга хилоф тасарруф этиш жинояти учун жавобгарлик ва уни олдини олиш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети банд солинган мулкни қонунга хилоф тасарруф этиш жинояти жавобгарлик белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, суд-тергов амалиёти материаллари, илмий қарашлар, айрим хорижий давлатларнинг ушбу соҳага оид қонунчилиги ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни ҳал этишда илмий билишнинг анализ ва синтез, мантиқийлик, тарихий-ҳуқуқий, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, сўров ўтказиш, амалиёт материалларни таҳлил қилиш ва бошқа усуллардан фойдаланилган. Мазкур усулларнинг барчаси маълум даражада диссертация тадқиқоти натижаларининг аниқлиги ва асосланганлигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хатланган мол-мулк олиб қўйилиб, сақлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёхуд бошқа ташкилот вакилига топширилиши мумкинлиги, хатланган мол-мулк мулкдорга ёки мол-мулк эгасига, унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига ёки бошқа шахсга сақлаб туриш учун қолдирилиб, унга ушбу мол-мулкнинг тўла-тўқис сақланиши учун қонунда назарда тутилган жавобгарлик тушунтирилади ва бу ҳақда ундан тилхат олинishi, муомалада бўлиши ман қилинган ашёлар ҳар қандай ҳолларда ҳам олиб қўйилиши кераклиги, уларнинг сақлаш тартиби қонун билан

белгиланиши, банк муассасаларида сақланаётган пуллар, шунингдек давлат заёми, облигациялари, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар олиб қўйилмаслиги, лекин мол-мулк хатланганлиги тўғрисидаги қарорни ёки ажримни олиш биланоқ, уларни харжлаш операциялари тўхтатиб қўйилиши асослантирилган;

банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш, яъни банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, худди шунингдек банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари билан банк операцияларини амалга ошириши учун жиний жавобгарликни белгиланиши асослантирилган;

ижро ишини юритиш доирасида ундирувни гаров билан таъминланган мол-мулкка қаратиш ҳақидаги ижро ҳужжатлари бўйича гаров тўғрисидаги шартнома Мажбурий ижро бюроси органларига тақдим этилаётганда ижро ҳужжатларига илова қилиниши кераклиги асослантирилган;

давлат ижрочиси томонидан ижрони банд солинган мулкка қаратиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишда унга қаршилик кўрсатилганлиги учун жавобгарликни белгилаш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

банд солинган мулкни қонунга хилоф тасарруф қилиш тушунчасининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

банк ва мижоз ўртасидаги кредит муносабатларида гаровга қўйилган мулкни қонунга хилоф тасарруф қилиш одил судловга қарши жиноятлар эмас, балки иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар сирасига кириши асосланиб, ЖКга гаровга қўйилган мол-мулкни қонунга хилоф тасарруф этиш деб номланган 179¹-моддани киритиш асосланган;

банд солинган мулкни қонунга хилоф тасарруф этишнинг квалификация қилувчи белгиларини ЖК 233-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларига киритиш лозимлиги асосланган;

етказилган моддий зарар уч карра миқдорда қопланганида озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар қўлланилмаслиги ҳақидаги талаб амалиётда ишламаётганлиги асослантирилиб, етказилган зарарни қоплаганликнинг ўзи озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар қўлланилмаслиги учун етарли бўлиши ҳақида таклифлар ишлаб чиқилган;

ЖПК 290 ва 294-моддаларида хатланадиган мол-мулклар тоифасини аниқлаштириш ҳамда мулкни хатлаш ва сақлаш учун топшириш жараёни иштирокчилари таркибини кенгайтириш ҳақида таклифлар илгари сурилган;

хатланган мол-мулкни қонунга хилоф тасарруф қилиш натижасида келтирилган зарар анча миқдордан кам бўлган тақдирда, маъмурий жавобгарлик белгиладиган нормани МЖтКга киритиш зарурлиги асослантирилган;

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 53-моддасига мол-мулкни хатлаш жараёнида ҳолислар иштирокини таъминлашни кафолатлайдиган ўзгартиришлар киритиш зарурлиги асосланган;

банд солинган мулкни қонунга хилоф тасарруф этиш жиноятининг сабаблари аниқланган;

банд солинган мулкни қонунга хилоф тасарруф этиш жиноятини содир қилган шахсга криминалогик тавсиф берилган;

ушбу жиноятни олдини олиш чораларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижалари қонунчилик нормалари, айрим хорижий давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, Конституция ва қонунларда умумэътироф этилган қоидалар ва соҳага доир уч йиллик (2020-2023) эмпирик ва статистик маълумотлар таҳлили, 4360 нафар мутахассис ходимлар ўртасида ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш орқали исботланган бўлиб, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган ҳамда олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий хулоса ва амалий таклифлардан мазкур турдаги жиноятларга қарши курашиш юзасидан тадқиқот ишларини олиб боришда, шунингдек “Жиноят ҳуқуқи”, “Криминалогия”, “Жиноят-процессуал ҳуқуқи”, “Ижро ишини юритиш” каби ҳуқуқий фанларни ўқитиш ва методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этганлик учун жавобгарлик ва унинг олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлигида ифодаланади. Қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ҳамда қонунни қўллаш амалиётини яхшилашга доир тавсиялардан қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этганлик учун жиноий жавобгарлик ҳамда унинг олдини олиш масалаларини тадқиқ этишнинг илмий натижалари асосида:

хатланган мол-мулк олиб қўйилиб, сақлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёхуд бошқа ташкилот вакилига топширилиши мумкинлиги, хатланган мол-мулк мулкдорга ёки мол-мулк эгасига, унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига ёки бошқа шахсга сақлаб туриш учун қолдирилиб, унга ушбу мол-мулкнинг тўла-тўкис сақланиши учун қонунда назарда тутилган жавобгарлик тушунтирилади ва бу ҳақда ундан тилхат олинishi, муомалада бўлиши ман қилинган ашёлар ҳар қандай ҳолларда ҳам олиб қўйилиши кераклиги, уларнинг сақлаш тартиби қонун билан

белгиланиши, банк муассасаларида сақланаётган пуллар, шунингдек давлат заёми, облигациялари, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар олиб қўйилмаслиги, лекин мол-мулк хатланган тўғрисидаги қарорни ёки ажримни олиш биланок, уларни харжлаш операциялари тўхтатиб қўйилиши тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси ЖК лойиҳаси 331-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 11 ноябрдаги №27/2-357-23-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши хатланган мол-мулк олиб қўйилиб, сақлаш тартиби ва муомалада бўлиш тартибини таъминлашга хизмат қилган;

банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш, яъни банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, худди шунингдек банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга ошириши учун жиноий жавобгарликни белгиланиши мумкин деган таклифлар Ўзбекистон Республикаси ЖК лойиҳаси 337-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 11 ноябрдаги №27/2-356-23-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш, яъни банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказишнинг олдини олиш тартибини таъминлашга хизмат қилган;

ижро ишини юритиш доирасида ундирувни гаров билан таъминланган мол-мулкка қаратиш ҳақидаги ижро ҳужжатлари бўйича гаров тўғрисидаги шартнома Мажбурий ижро бюроси органларига тақдим этилаётганда ижро ҳужжатларига илова қилиниши кераклиги ҳақидаги таклифи “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8³-моддасига ўзгартириш ва қўшимчаларни ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2024 йил 5 мартдаги №01/қ-08-34-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши банд солинган мулкни ижрочилар томонидан ижросини таъминлашга хизмат қилган;

давлат ижросиси томонидан ижро банд солинган мулкка қаратиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишда унга қаршилик кўрсатилганлиги учун жавобгарликни белгилаш ҳақидаги таклифлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 232¹-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2024 йил 5 мартдаги №01/қ-08-34-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши банд солинган мулкни ижрочилар томонидан ижросини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда (биттаси халқаро, учтаси республика миқёсида) муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, 11 та илмий мақола шундан докторлик диссертациялари асосий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та (2 таси хориж нашрларда) ва 3 та тезис чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 153 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

“Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этганлик учун жиноий жавобгарликнинг ривожланиши тарихи ва хорижий тажриба” деб номланган биринчи бобда банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш жинояти тушунчаси, бундай қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгилашнинг ижтимоий зарурати, бундай қилмишлар учун Ўзбекистонда жавобгарликнинг ривожланиши тарихи, банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этганлик учун жиноий жавобгарлик бўйича хорижий тажриба масалалари тадқиқ қилинган.

“Банд солинган мулкни қонунга хилоф тасарруф этиш тушунчаси, бундай қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгилашнинг ижтимоий зарурияти” деб номланган биринчи параграфда муаллиф амалдаги жиноят қонунида “банд солинган мулк” тушунчасини тадқиқ қилиб, жиноят-процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларидаги мулкни хатлаш масалаларини ўрганиш асосида “хатланган мулк” деган тушунчани ишлатиш киритиш зарурлигини асослаган.

Тадқиқотчи Г.Л.Беланова, В.А.Гуреева, А.В. Павленко, С.Бородина, А.П.Рыжаков, Р.Х.Якупова, В.Н.Галузо, Ф.Н.Багаутдинов, Ю.С.Пулатов, Р.Т.Хақбердиева, Л.Г.Назарова, Қ.Самандаров, Т.Мавлонов, Б.Сафаров⁵ ва бошқа олимлар фикрларини танқидий таҳлил қилган ҳолда, “мол-мулкни хатлаш - қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда мулкдор ёки

⁵ Ушбу олимлар ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

мол-мулк эгасига мол-мулкни тасарруф қилиш, зарур ҳолларда эса ундан фойдаланишни ман этиш ёхуд мол-мулкни олиб қўйиш ва сақлаб туриш учун мулк эгасига ёки бошқа шахсларга топширишдир” деган муаллифлик таърифи илгари сурган.

Мол-мулкни хатлашнинг мақсади сифатида:

а) превентив мақсад (жиноят содир қилган шахсларнинг жиноий йўл билан топилган мулкларини кейинчалик олиб қўйилиши, бошқа шахсларнинг ҳам бундай жиноят содир қилишини олдини олишга хизмат қилади);

б) репаратив/тикловчи мақсад (жиноятдан жабрланган шахсларга етказилган зарарларни қоплаш ва бошқа ҳуқуқларини тиклаш учун ёрдам беради) мавжуд эканлиги асослангандир.

Хатланган мол-мулкни қонунга хилоф тасарруф қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланганлигининг ижтимоий зарурияти:

хатланган мол-мулкни қонунга хилоф тасарруф қилишни олдини олиши;

хатланган мол-мулкни сақлаш бўйича мажбуриятларни бажарилмаслиги оқибатлари бундай мажбурият юклатилган шахсларни ҳушёрликка чорлаши;

суд ҳужжатлари ижроси ўз вақтида, ортиқча сансалорликларсиз ижро этилишини таъминлаши;

жабрланувчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, уларга етказилган зарарни ўрнини қоплашга ёрдам беришида ифодаланиши асослаб берилган.

“Ўзбекистонда хатланган мулкни қонунга хилоф тасарруф этганлик учун жиноий жавобгарликнинг ривожланиши тарихи” деб номланган иккинчи параграфда хатланган мол-мулкни қонунга хилоф тарзда тасарруф қилганлик учун жиноий жавобгарликнинг ривожланиши тарихини 1) Исломгача бўлган давр; 2) Ислом ҳуқуқи амал қилган давр; 3) Собиқ совет иттифоқи таркибида бўлган давр; 4) Мустақиллик даврига бўлиб ўрганилишини асослаган.

“Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этганлик учун жиноий жавобгарлик бўйича хорижий тажриба” деб номланган учинчи параграфда хатланган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф қилганлик жинояти РФ, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон, Арманистонда одил судловга қарши жиноят сифатида, Қирғизистонда бошқарув тартибига қарши жиноят сифатида, Молдовада иқтисодий жиноятлар сифатида баҳоланганлиги ушбу давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлили асосида очиқ берилган.

Бунда Беларусь Жиноят кодексида хатланган мулкка нисбатан қонунга хилоф ҳаракатлар талон-торож аломатлари мавжуд бўлмаганида одил судловга қарши жиноятлар сифатида баҳоланиши зарурлиги, талон-торож аломатлари мавжуд бўлганида эса, бу қилмишлар ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятлари (аломатларига қараб ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш) сифатида квалификация қилиниши амалиётда дуч келаётган муаммоларга тўғри ечим бўлиши асослангандир.

Бошқа хорижий давлатлар жиноят қонунларида кўриб чиқилаётган жиноят мулк билан, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар туркумига

киритилганлиги, жумладан Германияда бундай жиноятлар жабрланувчининг шикояти асосида кўзгатиладиган ишлар тоифасига кириши белгиланганлиги, Францияда бундай қилмишлар учун юридик шахслар ҳам жавобгар бўлиши назарда тутилганлиги, Европанинг аксарият давлатлари қонунчилигида нафақат хатланган мулкни тасарруф қилиш, ўзлаштириш, нобуд қилиш ёки шикаст етказганлик учун, балки ундан ноқонуний фойдаланганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланганлиги тегишли жиноят қонунлари таҳлили асосида ёритилган.

“Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этишининг жиноят-ҳуқуқий тавсифи ва жазо тайинлаш амалиёти” деб номланган иккинчи бобда ушбу жиноятларнинг объектив ва субъектив белгилари, бундай жиноятлар учун жазо тайинлаш амалиёти таҳлил қилинган.

“Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш жиноятининг объектив белгилари” деб номланган биринчи параграфда мамлакатимиз олимлари томонидан жиноят таркиби тушунчасига биринчилардан бўлиб, О.Расулов, М.Усмоналиев ҳамда М.Рустамбоев, А.Якубовлар⁶ томонидан алоҳида тўхталиб ўтилган ва илмий таърифлар ишлаб чиқилганлиги таъкидлаб ўтилиб, жиноят таркиби объект, объектив томон, субъект ва субъектив томондан иборат бўлиб, ушбу белгилар йиғиндисининг мавжудлиги қилмишни жиноят деб баҳолаш ва жиноий жавобгарликни қўллаш асоси бўлиши ҳақидаги хулосага келинган.

Банд солинган мулкни қонунга хилоф тасарруф қилиш жиноятининг бевосита объекти, одил судлов манфаатлари, суд идораларининг нормал фаолияти, қўшимча объекти сифатида хатланган мол-мулк ҳисобидан қопланиши мумкин бўлган мулкдор ҳуқуқлари, жиноятнинг предмети сифатида эса, банд солинган мулк бўлиши асослантирилган.

Муаллиф, ЖК 233-моддаси бўйича тергов ва суд амалиёти таҳлили ушбу жиноятнинг объекти ҳаддан ташқари кенгайиб кетган ёки уни амалиётда қўллашда тушунмовчиликлар мавжуд, деган хулосага келган. Тадқиқот давомида ЖК 233-моддаси бўйича 300 га яқин суд ҳукмлари ўрганиб чиқилганида, 16% ҳолатда суд қарори, тергов органи ёки Мажбурий ижро бюроси (МИБ) томонидан банд солинган мулклар тасарруф қилингани учун, 84% ҳолатда банк кредити таъминоти сифатида гаровда бўлган мулк тасарруф қилингани учун жиноий жавобгарлик келиб чиққанлиги аниқланган. Қонун ҳужжатлари ва суд амалиёти материаллари таҳлил асосида ЖКнинг 233-моддасида белгиланган банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф қилиш жиноятининг объекти тергов ва суд идораларининг нормал фаолият юритиши, суд ва тергов органларининг нуфузи эканлигидан келиб чиққан ҳолда, банкдан олинган кредит таъминоти учун гаровга қўйилган мол-мулкни қонунга хилоф тасарруф қилиш иш ҳолатларига қараб ЖКнинг 167 ёки 173-моддалари билан квалификация қилиниши зарур, деган хулоса илгари сурилган. Тадқиқот доирасида

⁶ Ушбу олимлар ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

ўтказилган сўровда қатнашган 4360 нафар респондентнинг 62 % ҳам ушбу таклифни қўллаб -қувватлаган.

ЖК 233-моддасида назарда тутилган жиноят таҳлили асосида унинг қуйидаги усулларда содир этилиши кўрсатилган:

1) банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан қонунга хилоф равишда:

ўзлаштириш,
растрата қилиш,
яшириш,
нобуд қилиш,
унга шикаст етказиш;

2) банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга ошириш.

Ушбу қилмиш жиноят ҳисобланиши учун анча миқдорда зарар етказилиши шарт.

Тадқиқотчи хатланган мол-мулкни қонунга хилоф тарзда тасарруф этиш жинояти нафақат ҳаракат билан, балки ҳаракатсизлик билан ҳам содир этилиши мумкинлигини асослаган.

Муаллиф, ЖК 233-моддасида назарда тутилган қилмиш фақат анча миқдорда зарар етказилганидагина жиний жавобгарликка тортилиши белгилангани, қилмиш натижасида бундай оқибат келиб чиқмаганлиги ҳолатлари учун маъмурий жавобгарликни киритиш зарурлигини таклиф қилган.

“Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш жиноятининг субъектив белгилари” деб номланган иккинчи параграфда келтирилишича тадқиқот давомида ўрганилган суд ҳукмлари таҳлили ушбу жиноятни содир қилган шахслар ижтимоий аҳволига оид қуйидаги маълумотларни аниқлаш имконини берди:

вақтинча ишсизлар – 9,8%;

оддий ишчи, ходим, пенсиядаги шахслар – 6,6%;

банк ходими, нотариус – 14,8 %;

тадбиркорлик субъекти мансабдор шахслари (МЧЖ муассиси, директори, бухгалтери, ф/х раҳбари) – 68,8% ни ташкил қилган⁷.

ЖК 233-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган, ақли расо, хатланган ёки гаровга қўйилган мол-мулк сақлаш учун топширилган, шунингдек, банк ёки бошқа кредит муассасасининг маблағларнинг банд солинганлигини билган ходимлари бўлиши мумкинлиги асослантилган.

“Банд солинган мулкни қонунга хилоф тасарруф этиш жиноятлари учун жазо тайинлаш амалиёти” деб номланган учинчи параграфда суд амалиёти таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан берилган маълумотларга кўра, судлар томонидан 2019 йилда 30 нафар, 2020 йилда

⁷ Суд амалиёти материаллари таҳлили диссертация иловасида келтирилган.

48 нафар, 2021 йилда 78 нафар, 2022 йилда 155 нафар, 2023 йилнинг 6 оyi мобайнида 63 нафар шахсга нисбатан, жами 374 та ЖК 233-моддаси бўйича жиноят ишлари кўриб чиқилган⁸. Иши кўриб чиқилган 374 нафар шахсдан 368 нафарига ҳукм чиқарилган, 5 нафарига нисбатан иш тугатилган, 1 нафарига тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган. 59 нафар шахс оқланган. ЖК 233-моддаси билан айбдор деб топилган 292 нафар шахсга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган. Бунда 35 нафар шахсга нисбатан жарима жазоси (11,9%), 135 нафар шахсга ахлоқ тузатиш ишлари (46,2%), 54 нафар шахсга озодликни чеклаш (18,4%), 68 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш (23,2%) жазоси тайинланган, 3 нафар шахс шартли ҳукм қилинган (1,0 %). 14 нафар шахсга бошқа асосларга кўра ҳукм чиқарилган (ЖК 88-м. вояга етмаган шахсларга нисбатан мажбурлов чоралари; ЖПК 463-м.).

Суд амалиётида ЖК 233-моддаси иккинчи қисмида белгиланган етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги ҳақидаги талаб амалда ишламаётганлиги ҳамда сўровда қатнашганларнинг 61% фикрларини инобатга олган ҳолда, ушбу жиноят учун етказилган зарарни қоплашнинг ўзи, айбдорга озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо қўлланилмаслигига сабаб бўлиши кераклиги ҳақидаги тақлиф асослантирилган.

Тадқиқот давомида ўрганилган 300 га яқин суд ҳукмлари таҳлили, ушбу жиноят учун судланганлар орасида илгари судланганлар улуши анча юқори эканлиги аниқланган, яъни жами судланганларнинг 54% илгари судланмаган, 46% илгари судланган шахслардир. Афсуски, бунда шахсларнинг бир неча марта судланганлиги ҳолати ҳам юқори. Жумладан, илгари судланганлар орасида 1 марта судланганлар 28,5%ни, 2 марта судланганлар 28,5%ни, 3 марта судланганлар 14,5%ни, 4 марта судланганлар 10,7%ни, 5 марта ва ундан ортиқ судланганлар 17,8%ни ташкил қилган.

Мавжуд амалиёт, хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда банк ва миждоз ўртасидаги кредит муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни фуқаролик ва иқтисодий судлов орқали ҳал қилиш, ЖК 233-моддасида эса фақат суриштирув, тергов органлари ва суд томонидан хатланган, гаровга қўйилган мулкларни қонунга ҳилоф тасарруф қилиш ҳолатлари учунгина жавобгарлик назарда тутилиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан тушунтиришлар берилиши зарурлиги асослантирилган.

“Банд солинган мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф этишнинг криминалогик тавсифи” деб номланган учинчи бобда ушбу жиноятларни содир қилган шахсларнинг криминалогик тавсифи ҳамда бундай жиноятларни олдини олиш масалалари ёритилган.

“Банд солинган мулкни қонунга ҳилоф тасарруф қилиш жиноятининг ва ушбу жиноятни содир қилган шахсларнинг

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2023 йил 18 июлдаги 101/3-828-сонли хати.

криминологик тавсифи” деб номланган биринчи параграфда банд солинган мулкни қонунга ҳилоф тасарруф қилиш жиноятини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 2019 йилдан 2023 йилгача республика судлари томонидан ЖК 233-моддаси бўйича кўрилган ишлар ҳақидаги маълумотлар ҳамда суд ҳужжатларини интернет тармоғида чоп этиш веб-сайти <https://public.sud.uz/report/CRIMINAL> дан олинган 300 га яқин суд ҳукмлари ва ажримлари эмпирик асос бўлиб хизмат қилганлиги кўрсатилган.

Маълумотлар бу жиноятнинг йилдан йилга ўсиб бораётганлигини кўрсатган, жумладан, ЖК 233-моддаси бўйича судларда кўрилган ишлар сони 2019 йилда 26 тани ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 38 тани (2019 йилга нисбатан 46% ўсиш), 2021 йилда 60 тани (2020 йилга нисбатан 58% ўсиш), 2022 йилда 116 тани (2021 йилга нисбатан 93% ўсиш) ташкил қилган. 2023 йилнинг фақат олти ойида ҳам судларда ушбу жиноят бўйича 53 та иш кўриб чиқилган.

Тадқиқотчи, ушбу жиноятларнинг қуйидаги сабаблар туфайли ўсиб бораётганлигини асослаган:

биринчидан, сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш доирасида кредит бериш ҳажмининг кескин ошганлиги туфайли, кредит гарови таъминоти сифатида қўйилган мулкларни қонунга ҳилоф тасарруф этиш ҳолатлари ҳам мутаносиб равишда ошиб бормоқда;

иккинчидан, гарчи ЖК 233-моддасида назарда тутилган жиноятнинг объекти одил судлов манфаатлари бўлсада, аммо судларда ушбу модда бўйича кўрилган ишларнинг 85% дан ортиқ ҳолати тергов ёки суд ишларини юритиш билан боғлиқ бўлмаган ишларни, яъни банк ва мижоз ўртасидаги кредит низоларидан келиб чиққан ҳолатлар туфайли содир этилган. Бу эса ўз навбатида ушбу жиноятнинг объектини тўғри белгилаш зарурлигини тақозо этади;

учинчидан, кредит муносабатлари одатда, фуқаролик ҳуқуқий ёки иқтисодий ҳуқуқий муносабатлар бўлиб, бундай тоифадаги муносабатлар фуқаролик ёки иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилиши зарурлигига қарамадан, тергов органлари томонидан гаров таъминоти бўлган мулкларни сотиб юбориш, яшириб қўйиш, нобуд қилиш ёки шикаст етказишга доир барча ҳолатларда жиноят ишлари кўзғатилмоқда. Гарчи бундай ишларнинг кўпчилиги судлар томонидан тугатилиши ёки оқлов ҳукми чиқарилишига қарамадан, статистиканинг ошиб кетишига олиб келмоқда;

тўртинчидан, ўрганиб чиқилган суд ҳукмлари таҳлили ушбу жиноятни содир қилган шахслар орасида илгари иқтисодий жиноятларни содир қилган шахсларнинг кўплиги (ЖК 233-моддаси билан судларда кўрилган ишларда судланувчиларнинг 46% илгари судланган шахслар) аниқланди. Бу жиноятлар учун тайинланган жазоларнинг янги жиноятлар содир этилишини олдини олишдаги роли етарли эмаслигини кўрсатади;

бешинчидан, хатланган, гаровга олинганлиги муносабати билан тасарруф қилиниши тақиқланган мол-мулкни қонунга ҳилоф тасарруф қилишга имкон бермайдиган механизмлар етарли самара бермаяпти;

олтинчидан, айрим шахсларнинг олди-сотди шартномаларини амалга оширишда белгиланган талабларга риоя этмаслиги (масалан, гаровдаги мулкни сотишда пулини олиб, расмийлаштиришни кейинроқ амалга оширишга келишиш, мол-мулк гаровдаги эканлигини била туриб, уни тегишли расмийлаштирмасдан сотиб олиш ва ҳ.к.).

Тадқиқот давомида ушбу жиноятларнинг 64,8% якка шахслар томонидан, 35,2% бир гуруҳ шахслар томонидан содир қилинганлиги; ушбу жиноят учун судланганларнинг 96,5%ни эркаклар, 3,5%ни аёллар ташкил қилиши; судланганлар орасида 18-30 ёшда бўлган шахслар 9,8%ни, 31-40 ёшдагилар 37,7%ни, 41-50 ёшдагилар 26,3%ни, 51-60 ёшдагилар 21,3%ни, 60 ёшдан юқорилар 4,9 %ни ташкил қилганлиги; судланганларнинг 41% олий маълумотли, 37,7% ўрта махсус маълумотли, 21,3% ўрта маълумотли эканлиги; судланган шахсларнинг 9,8% вақтинча ишсиз, 6,6% оддий ишчи, ходим, 14,8% банк ходими, нотариуслар бўлса, 68,8%ини тадбиркорлик субъектлари мансабдор шахслари ташкил қилиши; судланганларнинг 93,4% оилали, 6,6% оиласиз эканлиги аниқланган.

Тадқиқотчи ЖК 233-моддасида назарда тутилган жиноятни содир қилган шахснинг криминологик портретини қуйидагича тавсифлаган: эркак жинсидаги ўрта ёшли, олий ёки ўрта махсус маълумотга эга, оилали, моддий жиҳатдан таъминланган, илгари иқтисодий жиноятлар учун судланган, таваккалчиликка мойил, хусусий тадбиркорлик субъектлари мансабдор шахслари.

Банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш жинояти нафақат одил судловга балки, кредит муносабатлари туфайли гаровга қўйилган мулкларни қонунга хилоф тасарруф этиш орқали иқтисодий муносабатларга ҳам дахл қиладиган жиноят ҳисобланиши асослантирилган.

“Банд солинган мулкни қонунга хилоф тасарруф этиш жиноятининг сабаблари ва уларнинг олдини олиш чоралари” деб номланган иккинчи параграфда мазкур жиноятнинг олдини олиш учун уни содир қилишга олиб келган сабаблар тадқиқ қилинган.

Криминология фани доирасида жиноятчилик сабаблари ҳақида бир қанча назарий қарашлар шакллантирилган. Бундай қарашлар жиноятчиликни келиб чиқишини социологик, ижтимоий, психологик ва ижтимоий-биологик омиллар билан боғлашади. Жиноятчилик сабаблари ҳақида тадқиқот олиб борган мамлакатимиз олимларидан Қ.Абдурасулова ва С.Ниёзовалар “ғайриижтимоий ҳодислар, шу жумладан жиноятчилик фақат ижтимоий муносабатлар доирасида ўз сабабларига эга бўлади, шу сабабли асосан ижтимоий хусусият касб этади. Умуман олганда, бу ҳаётнинг иқтисодий шароитларини, инсон психологиясини, унинг эҳтиёжлари, манфаатлари, хулқ-атвор мотивлари ва мақсадларини, кичик ва катта ижтимоий гуруҳдаги одамларнинг ўзаро муносабатларини (оила, ишлаб чиқариш муносабатлари, яқин муҳитини), қарашлари, эътиқодлари, қадриятлари ва мўлжалларини қамраб олади, бинобарин, жиноятчилик сабаблари муаммолари ижтимоий институтлар нуқтаи назаридан ўрганилиши лозим, жиноятлар ва

жиноятчиликнинг бирон-бир ягона сабабини кўрсатиш методологик жиҳатдан нотўғри, сабаб-комплекс ҳодиса, деб ҳисоблайдилар”⁹. Тадқиқотчи ҳам юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, жиноятчиликнинг аниқ, ягона сабаби бўлиши мумкин эмаслиги, унга нисбатан комплекс ёндашув зарурлигини таъкидлаган.

Банд солинган мулкни қонунга ҳилоф тасарруф қилиш жиноятининг объектив сабаблари сифатида жамиятдаги иқтисодий қийинчиликлар, кредит фоишларининг юқорилиги, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашилар, солиқ сиёсатидаги камчиликлар, жамиятда пулдор одамларга нисбатан қарашларнинг бир томонламалиги, жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланмаслиги, жазо чораларининг самарадорлиги етарли эмаслиги; субъектив сабаблар сифатида шахснинг дунёқараши, эҳтиёжлари, тезда бойиб кетишга ҳаракат қилиши, таваккалчиликка мойиллик, ҳуқуқий онги ва маданияти кабилар диссертацияда асослангилан.

Банд солинган мулкни қонунга ҳилоф тарзда тасарруф қилиш жиноятининг ташқи омиллари ва шахснинг руҳиятида зоҳир бўлган ички омиллари қуйидагилардан иборатлиги ҳақида ҳулосага келинган:

- қандай қилиб бўлса ҳам, тезда бойиш истагининг мавжудлиги;
- мулкни сақлаш бўйича белгиланган мажбуриятларга амал қилмасликда ифодалангилан ҳуқуқий нигилизм;

- қарор қабул қилишда таваккалчиликнинг юқорилиги (тегишли ҳисоб-китоблар, аниқ бизнес режа бўлмаган ҳолда катта миқдордаги кредит маблағларини олиш);

- мол-мулкнинг бошқаларга ўтиб кетишини хоҳламаслик;
- кредит маблағларини асоссиз сарфлашда ифодалангилан (тўй қилиш, қарзларини тўлаш, автомашина сотиб олиш, уй қуриш ёки харид қилиш) моддий эҳтиёжларни қондириш истаги.

Тадқиқотчи суд ҳукмлари таҳлили асосида бундай жиноятларни келиб чиқиш сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатган:

- ЖК 233-моддаси бўйича судланганлар орасида илгари судланган шахсларнинг кўплиги жиноят учун тайинланган жазоларнинг етарли самара бермаётганлиги, қилмиш учун жазодан қутулиб қолишга ишониш ҳиссининг юқорилиги;

- мол-мулкни хатлаш жараёнида ҳолислар иштирокини таъминлашга эътибор қаратмаслик натижасида мулк-мулк рўйхати бўйича эътирозларнинг келиб чиқиши;

- хатланган мол-мулкни реализация қилишга қўйилан тақиқни четлаб ўтиш имкониятининг мавжудлиги;

- хатланган мол-мулкни сақлаш учун топширилагилан шахсларнинг илгари иқтисодий жиноятлар учун судланганлиги масаласига эътибор қаратмаслик;

- хатланган ва сақлашга топширилган мулкдан фойдаланиш чегараларининг аниқ белгилаб берилмаслиги (хатланган мулкдан

⁹ Қ.Абдурасулова, С.Ниёзова. Жиноятчилик ва жиноятчи шахси муаммолари. Ўқув қўлланма. Т. 2006. 22-б.

фойдаланиш натижасида унинг қиймати кескин тушиб кетиши каби ҳолатлар);

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига нисбатан ишончсизлик;

- хатланган ёки гаровдаги мулкнинг айбдорнинг, қарздорнинг ўзида сақлаш учун қолдириш (аксарият ҳолларда қарздор, кредит олувчининг ўзига сақлаш учун қолдирилган мол-мулклар бегоналаштирилган);

- хатланган мулк сақлаш учун толпширилган ташкилотлар мансабдор шахсларининг ўз вазифаларига совуққонлик билан қараши.

Ушбу жиноятларнинг олдини олиш чораларини умумижтимоий чоралар, ташкилий йўсиндаги чоралар ҳамда махсус олдини олиш чораларига бўлиниши асослантирилган. Бунда умумижтимоий чора-тадбирларга таълим ва тарбияни такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, оммавий ахборот воситаларида, ташкилотлар, корхона ва муассасаларда тушунтириш ишларини олиб бориш; ташкилий йўсиндаги чора-тадбирларга тергов ва суд фаолиятининг сифат даражасини ошириш, уларнинг тарбиявий томонини кучайтириш, мол-мулкни хатлаш, сақлаш, ижрони қарздорнинг мол-мулкига қаратиш, ижрога қаратилган мол-мулкни реализация қилиш жараёнларини такомиллаштириш; махсус олдини олиш чоралари эса бир неча чора-тадбирлар гуруҳидан ташкил топиши, бу гуруҳларга криминологик чоралар, жиноят-ҳуқуқий чоралар ва ташкилий-процессуал чораларни киритиш зарурлиги таъкидланган.

ХУЛОСА

